

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

619 Хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари учун мўлжалланган авиакеросин маҳсулотини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 18 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2525

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 2-сон, 36-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари учун мўлжалланган авиакеросин маҳсулотини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 5 ноябрь,
01-02/12-29-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил
5 ноябрдаги 01-02/12-29-сон қарорига
ИЛОВА

**Хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари учун
мўлжалланган авиакеросин маҳсулотини божхона
расмийлаштирувидан ўтказиш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари учун мўлжалланган авиакеросин маҳсулотини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириш, сақлаш ва уни ҳаво кемаларига қўйган ҳолда республика ҳудудидан олиб чиқиш тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

авиакеросин маҳсулоти — Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмаган, хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемаларига қўйиш учун четдан олиб келинган авиакеросин;

божхона омборининг эгаси — божхона омбори фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси юридик шахси;

декларант — авиакеросин маҳсулотини олиб ўтувчи, авиакеросин маҳсулоти ва транспорт воситаларини ўз номидан декларацияловчи, кўрсатувчи ва тақдим этувчи шахс ёки авиакеросин маҳсулотини олиб ўтувчи шахс номидан иш олиб бораётган божхона брокери;

махсус транспорт — божхона омборидан авиакеросин маҳсулотини олиб ҳаво кемасига қўйиш учун етказиб берадиган махсус транспорт воситаси;

хизмат кўрсатувчи — «Тошкент халқаро аэропорти» давлат унитар корхонаси;

ҳаво кемаси — хорижий авиакомпанияларга тегишли бўлган ҳаво кемаси.

**II боб. Авиакеросин маҳсулотини республика ҳудудига
олиб кириш ва сақлаш**

2. Авиакеросин маҳсулотини четдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, божхона назорати остида белгиланган жойга етказиш ва танланган божхона режимига жойлаштирилгунга қадар вақтинча сақлаш Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 2-сон, 36-модда), Вазирлар Маҳка-

масининг 2003 йил 20 ноябрдаги 523-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 22-сон, 224-модда) билан тасдиқланган Божхона омбори фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низом, Товарларни автомобиль транспортида божхона назорати остида етказиш қоидалари (рўйхат рақами 875, 2000 йил 19 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 2-сон), «Вақтинча сақлаш» божхона режими ҳақидаги низом (рўйхат рақами 447, 1998 йил 17 июнь) ва «Божхона омбори» божхона режими тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1318, 2004 йил 27 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 8-сон, 103-модда) талаблари асосида амалга оширилади.

3. Авиакеросин маҳсулоти белгиланган жойга етказилганидан сўнг, унинг божхона расмийлаштируви «Тошкент — АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплексининг (бундан буён матнда «Тошкент — АЭРО» ИБК деб юритилади) ташқи иқтисодий фаолият божхона постлари томонидан амалга оширилади.

4. Авиакеросин маҳсулоти қоида тариқасида божхона омборига «вақтинча сақлаш» ёки «божхона омбори» божхона режимида жойлаштирилади.

Божхона омборидан авиакеросин маҳсулотини олиб чиқиш танланган божхона режимига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида амалга оширилади.

III боб. Авиакеросин маҳсулотини ҳаво кемаларига қўйилган ҳолда олиб чиқилиши

5. Ҳаво кемаларига қўйиш учун мўлжалланган авиакеросин маҳсулоти «реэкспорт» божхона режимига жойлаштирилади.

6. Авиакеросин маҳсулотини «реэкспорт» божхона режимига жойлаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг рухсатномаси асосида амалга оширилади.

7. «Реэкспорт» божхона режимига жойлаштиришга рухсатнома бериш Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 575-модда) талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

8. Ҳаво кемасига қўйиш учун авиакеросин маҳсулоти божхона омборидан маҳсус транспортга юкланади. Юклар яқунлангач иловага мувофиқ 4 нусхада авиакеросин маҳсулоти маҳсус транспортга юкланганлиги тўғрисида далолатнома (бундан буён матнда далолатнома деб юритилади) божхона омборининг эгаси томонидан тузилади. Далолатноманинг I бўлими I — 4-бандлари, 5-бандининг «а» — «г» ва «ж» устунлари божхона омборининг эгаси томонидан тўлдирилади.

Далолатноманинг II бўлими юклар яқунлангач тўлдирилади.

9. Далолатноманинг 1-нусхаси божхона омборида қолади, 2, 3 ва 4-нусхалари авиакеросин маҳсулотини ҳаво кемасига қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотлар қайд қилиниши учун ҳаво кемасига қўйиш жойигача етказилади.

10. Божхона омборидан махсус транспортга юкланган авиакеросин маҳсулоти ҳаво кемасига қўйилгунга қадар божхона омборида сақланаётган товар сифатида қаралади.

11. Авиакеросин маҳсулоти қонун ҳужжатлари талаблари асосида божхона омборида сақланиши ва ундан олиб чиқилиши учун божхона омборининг эгаси, махсус транспортдан ҳаво кемасига қўйилиши учун хизмат кўрсатувчи жавобгардир.

12. Ҳаво кемасига авиакеросин маҳсулотини қўйиш жараёнида божхона назорати «Тошкент — АЭРО» ИБКнинг ташқи иқтисодий фаолият божхона пости мансабдор шахси томонидан амалга оширилади.

13. Махсус транспортдан ҳаво кемасига авиакеросин маҳсулотини қўйишда далолатноманинг 5-банди «д» ва «е» устунлари ҳамда III бўлими тўлдирилади.

Далолатноманинг 5-банди «д» ва «е» устунлари хизмат кўрсатувчи вакили томонидан тўлдирилади.

14. Тўлиқ маълумотлар акс эттирилган далолатноманинг:

2-нусхаси божхона назорати ва расмийлаштируви амалга ошириладиган божхона постида алоҳида йиғма жилдда сақлаш учун олиб қолинади;

3-нусхаси божхона омборига жойлаштирилган ва божхона омборидан олиб чиқилган авиакеросин маҳсулотининг ҳисобини юритиш учун божхона омборининг эгасига қайтарилади;

4-нусхаси божхона расмийлаштирувини амалга оширишда божхона постига тақдим қилиш учун декларантга берилади.

15. Далолатнома қатъий ҳисобда турувчи бланк ҳисобланиб, 5 йил муддат давомида сақланади.

IV боб. Ҳаво кемаларига қўйилган ҳолда олиб чиқиладиган авиакеросин маҳсулотининг божхона расмийлаштируви

16. Авиакеросин маҳсулотини «реэкспорт» божхона режимига жойлаштириш учун унинг ҳаво кемасига қўйилган кунидан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан божхона расмийлаштирувини амалга оширадиган божхона постига декларант томонидан ушбу режимга расмийлаштириш учун тўлдирилган божхона юк декларациясининг асл нусхалари билан бирга қўйидаги ҳужжатларнинг нусхалари тақдим қилиниши лозим:

авиакеросин маҳсулотини «реэкспорт» божхона режимига жойлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан берилган рухсатнома;

далолатноманинг 4-нусхаси;

товарнинг кузатув ҳужжатлари.

Хужжатларнинг нусхалари декларант томонидан тасдиқланиши лозим.

17. Бир ҳаво кемасига битта далолатнома бўйича қўйилган авиакеросин маҳсулоти битта партия ҳисобланади. Божхона юк декларацияси ҳар бир партия учун алоҳида расмийлаштирилади.

18. «Вақтинча сақлаш» ва «божхона омбори» божхона режимларига жойлаштирилган авиакеросин маҳсулоти ҳаво кемасига қўйилгандан кейин уни «реэспорт» божхона режимига расмийлаштиришда божхона юк декларациясининг 37-катагидаги охириги бўлимида товарларни олиб ўтиш хусусиятининг «44» коди кўрсатилади.

V боб. Яқуний қоидалар

19. Божхона омборининг эгаси божхона омборига жойлаштирилган ва ундан чиқарилган авиакеросин маҳсулотининг ҳисобини Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 ноябрдаги 523-сон қарори билан тасдиқланган Божхона омбори фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низом ва «Божхона омбори» божхона режими тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 1318, 2004 йил 27 февраль) белгиланган тартибда юритади ҳамда ҳар чорак якуни бўйича божхона расмийлаштирувини амалга оширадиган божхона постига ҳисобот тақдим қилиб боради.

20. Ушбу Қоидалар талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

21. Мазкур Қоидалар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан келишилган.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»

миллий авиакомпанияси

бош директори

В. ТЯН

2013 йил 5 ноябрь

Хорижий авиакомпанияларнинг
 ҳаво кемалари учун мўлжалланган авиакеро-
 син маҳсулотини божхона расмийлаштируви-
 дан ўтказиш қоидаларига
 ИЛОВА

Авиакеросин маҳсулоти махсус транспортга юкланганлиги тўғрисида
 _____/_____/_____ **-сон ДАЛОЛАТНОМА**

(божхона омбори лицензия рақами / кун, ой, йил / далолатнома рақами*)

- нусха

1. 20__ йил «__» _____ даги _____-сонли шартномага асосан авиакеросин қуйилиши режалаштирилаётган ҳаво кемаси:

1. Парвоз рақами _____; 2. Борт рақами _____;

3. Ҳаво кемасининг парвозга чиқиш санаси ____/____/____ ва вақти _____;
(маҳаллий вақт билан)

4. Махсус транспорт воситасининг русуми _____ ва гараж рақами _____;

5. Авиакеросин бўйича маълумотлар:

Махсус транспортдаги қолдиқ авиакеросин		Махсус транспортга юкланди		Ҳаво кемасига қуйилди		Назорат талонининг рақами
миқдори (литр)	вазни (кг)	миқдори (литр)	вазни (кг)	миқдори (литр)	вазни (кг)	
а	б	в	г	д	е	ж

II. Махсус транспортга авиакеросин юкланганлигини тасдиқловчи белгилар		III. Ҳаво кемасига авиакеросин қуйилганлигини тасдиқловчи белгилар	
Божхона омбори вакили: _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)		Хизмат кўрсатувчининг вакили: _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)	
Хизмат кўрсатувчининг вакили: _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)		Ҳаво кемасидаги масъул шахс: _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)	
Декларант: _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)		Божхона ходими: _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)	М.Ў.

* Далолатнома рақами йил бошидан ўсиб борувчи кетма-кетликда бериб борилади, йил тугаши билан рақамлаш янгидан бошланади.